



# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 17 декабр, жума № 200 (1833)

СЕШАҢБА, ЧОРШАҢБА, ЖУМА ВА ШАҢБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, аҳоли сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий физкультура ва спорт билан шуғулланишни кенг ёйишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан бой ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2005 йил - «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилсин.
2. Республика комиссияси:
  - вазирликлар ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари, хайрия жамғармалари билан биргаликда бир ой мuddатда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маъжмасига тақдим этсин;
  - Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлари тузиб, унинг тайёрлашга республикани етакчи мутахассис ва олимлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этиши.
3. Республика комиссияси «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг мақсади, асосий вазифалари ҳамда уни амалга оширишнинг энг муҳим йўналишларини аниқ белгиласин.
4. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:
  - одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлигини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, саломатлик учун зарарли ва хатарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлиш, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш. Ҳаётга, ўз сиҳат-саломатлигига ҳудди мана шундай муносабат умумий эътироф этилган норма бўлиб қолиши ва болаликдан, шахснинг камол топа бошлаш давриданок синг-

дирилиши лозим; оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она соғлигини мустаҳкамлаш ва соғлом фарзанд туғилиши, соғлом она - соғлом бола мақсадини вазифини амалга ошириш, республиканинг барча аҳоли пунктлари, энг аввало қишлоқ аҳолисини «Она ва бола скрининги» дастури билан қамраб олиш борасида бошланган ишларни давом эттириш, барча лойиҳа ва тадбирларни тўла-тўқисни ният қилиш; репродуктив саломатликни яхшилаш бўйича тадбирларни амалга оширишнинг давом эттириши, оилага васийлик қилиш, ёшларни оилавий ҳаётга ва соғлом оила қуришга тайёрлаш, тегишли маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бакуват фарзандлар туғилиши ва уларни барқарор қилиб тарбиялашга қаратилган ишларни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; аҳоли, аниққисса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги маълумоти ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод учун аниқлаб этишида ота-она ва педагогларнинг ролини кучайтириш; гўёҳандликка, чёкишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касалигига ва ВИЧ/СПИД тарқалишига қарши курашда жамоатчилик ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш; пенсионер ва ногиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тегишли, саноатий-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш; аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аввало қишлоқ жойларда тегишли муассасаларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, замонавий ташхис

билан ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, кичик тиббиёт ходимлари ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳақини оширишга, соғлиқни сақлаш ходимларининг меҳнатига тиббий хизматларнинг мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатда инсон ҳаётини сақлаб қолиш, соғломлаштириш ва даволаш бўйича тегишли мактаблар ҳамда йўналишларни шакллантириш мақсадида, биринчи навбатда кардиохирургия, нейрохирургия, реаниматология, неонатология, микрохирургия, интервенциявий кардиология, эндовидеохирургия каби ва бошқа энг муҳим замонавий тиббиёт йўналишлари бўйича юқори малакали ва атоқли мутахассис врачларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш борасида зарур шарт-шароитларни яратиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудлар бўйича «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурининг аниқ-равшан тадбирларини ишлаб чиқадиган ҳудудий комиссиялар тузилсин ва улар икки ҳафта давомида Республика комиссиясига тақдим этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2005 йилнинг 1 февралига қадар тиббиёт ходимлари, биринчи навбатда ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш, шунингдек соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига тиббий хизматлар ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш тармоқ тариф сеткасини жорий этиш бўйича таклифларни тўлиқ ишлаб чиқиш, Вазирлар Маъжмасига киритсин.

7. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2004 йил 15 декабр

И.КАРИМОВ

Пойтахтимизда яшовчи 110 мингдан ортиқ фуқаро мамлакатимиз Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 3-Темирйўл сайлов округи сайловчилари рўйхатига киритилган. Бу округ Тошкент шаҳрининг Миробод, Ҳамза ва Бектемир туманларини, шунингдек, 34 хорижий давлатда ташкил этилган 40 та сайлов участкасини бирлаштирган.

Округ сайлов комиссияси Темирйўлчилар маданият саройида жойлашган. Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги делегация аъзолари ушбу округда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишди.

### САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ

Пойтахтимизнинг бошқа округ ва участкалари ҳам сайлов кунига таяр. Россия Марказий сайлов комиссияси вакиллари 9-Бодомхор сайлов округи ва қатор сайлов участкалари жойлашган биналарда бўлиб, бунга тўла ишонч ҳосил қилди.

Сайлов комиссиялари ўзларига юклатилган вазифаларга юксак масъулият билан ёндашаётганига гувоҳ бўлдик, - деди А.Вешняков. - Комиссиялар аъзолари янги сайлов қонунчилигининг барча жиҳатларини яхши билади ва уларни фуқароларга пухта тушунтирди.

Депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашиши учун барча шароит яратилган. Шуниси эътиборга лойиқки, бундай учрашувлар эркин ва самимий мулоқот руҳида ўтмоқда. Фуқаролар номзодларнинг сайловдоли дастурлари билан қизиқиб, ранг-баранг саволлар бермоқда. Сайловчиларнинг бундай фаолияти ҳар битта бир мандатли округ ва участка бўйича депутатликка ўртача тўрт нафардан кўпроқ номзод кўрсатилганлиги билан ҳам изоҳланади. Ҳақ тўла, номзодлар ҳам сайловчилар овозларини катта рақобат муҳитида олишга интиломоқда.

Ўзбекистон қонунчилигининг партиялар томонидан номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоиз квота ажратилиши белгиланган янги қоидаларга тўлиқ амал қилинган ҳам эътиборга сазовордир. Шу ўринда бундай илгор ёндашув бугунги кунда ҳамма мамлакатда ҳам хос эмаслигини таъкидламоқ жоиз.

Шу кун Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси делегацияси пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Темирйўл тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

### АХБОРОТНОМАНИНГ ЯНГИ СОНИ



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ахборотномасининг иккинчи ва учинчи сони ўзбек, рус тилларида босмадан чиқди. Уларда Б.Мустафоев, С.Ҳўжаева, О.Соатов, Ш.Қудратхўжаев каби муаллифларнинг фуқаролар сайлов ҳуқуқи қаролатлари, оммавий ахборот воситаларининг сайловларда иштирок этиши амалиёти ва тажрибаси, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш масалалари ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби ҳақида мақолалари чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги мақолада сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми, Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган халқаро анжуманлар тўғрисидаги ахборотлар ҳам босилган.



Жиззах шаҳридаги «LPS ПЛАСТ» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бир йилда 4 минг тоннадан зиёд пластмасса қувурлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирги кунда 6-7 тонна турли хил ўлчамдаги юқори сифатли газ ва сув қувурлари тайёрланапти. Суратда: оператор Зокир Сатторов.

«Зиё ГЛОБУС»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

«Зиё Глобус» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси катта масштабда, яъни бир сантиметрда 300 километр масофа акс эттирилган глобуслар тайёрлашни йўлга қўйди. Унда ер шарининг ўттиз миллион марта кичрайтирилган табиий-жўрғойти қўриғини акс этган.

Корхонамиз ҳар йили қарийб йигирма мингта ана шундай глобус ишлаб чиқариш қувватига эга, - деди бирлашма бош директори Дилмурод Исроилов ўз маърузида. - Пишиқ ва мустаҳкам материалдан ясалган шарга елимланган хариталарни Вазирлар Маъжмаси хузуридаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш шўъба корхонаси етказиб бераёттир.

### Бор бўл, оқибат!

Жиззах вилоятида бир қатор меҳр-мурувват ишлари амалга оширилмоқда. Аниққисса, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, яққа-ёғиз қариялар, ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти.

### «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»ГА 50 ГЕКТАР ЕР

Зомин тумани ҳокимининг қарори билан Ём қишлоғидаги аёллар «Мурувват уйи»га 50 гектар ер ажратилди. Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши ҳамда «ЎзАксайдранс» корхонаси жамоасининг мурувватли ишлари, аниққисса, таҳсинга сазовордир. Шаҳар, туман ҳокимликлари, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида 210 нафар балоқар хатна тўйи ўтказилди. Касб-хунар коллежларининг 618 нафар ўқувчиси бепул йўл чипталари билан таъминланди. Жиззах педагогика ва политехника институтларининг 10 нафар талабасига «Меҳр ва мурувват» стипендияси берилди.

Вилоят банклари бемор болаларни соғломлаштириш мақсадида вилоят ва шаҳар болалар касалоналарига мурувват ёрдами кўрсатиляпти. Утган ойлар мобайнида бунинг учун вилоят болалар касалонасига 1 миллион сўмдан ошмиқ маблағ ўтказилди. «Жиззахсаяҳат» акциядорлик жамияти хомийлигида Зарбдор туманидаги қар-соқов болалар мактаб-интернати, 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳатга олиб борилди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошқаруви Кенгашининг қарори билан кам таъминланган оилаларнинг 170 нафар фарзандига стипендия жорий этилди. Шу-

нингдек, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилди. Бу борада қасаба уюшмалари вилоят кенгашига қарашли спорт-соғломлаштириш марказида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда ёшлар спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиши имкониятига эгадир. Олмон услубида қурилган сузиш ҳавзаси ҳамма ёшлар билан ғажум. Кураш, Бокс, шахмат, шашка, каратэ тўғрариқларида ҳам кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул шуғулланишмоқда.

«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури доирасида Дўстлик туманида ҳам бир талай тадбирлар амалга оширилди. Пенсионерлардан 200 нафари йил давомида электр энергияси ва газ тўловларидан озод қилинди. 240 та оилга 24 тонна бугдой бепул тарқатилди. 29 нафар етим болалар туман ташкилотлари раҳбарлари шахсий ота-лига бириктирилди.

### Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорларга кенг йўл очилди. Жумладан, фермерлик ҳаракати мустақиллик меваси сифатида ҳаётимизга кириб келди. Аҳамиятлиси, дехқончиликка илгор тажрибага эга бўлган фермерлар ҳозирги кунда халқимиз дастуринининг тўқин бўлишига муносиб улуш қўшмоқдалар. Бўжа туманидаги «Камолот» фермер хўжалиги ана шулар сирасига қиради.

Бугунги кунда туманда 700 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. «Камолот» уларнинг қалдирғочларидан. Дехқончиликда суяғи қотган Абдурашид Абдурахмонов етакчилигида 1992 йилда ташкил этилган. Дастлаб ишни йўлга қўйиш осон кечмади. Унга ишончсизлик билан қаровчилар ҳам топилиди. Лекин етакчи бундай ўқинчи мулоҳаза, ҳис-туйғуларга асло парво қилмади, аксинча энг шимариб ишга киришди. Кечани кеча, кундузини кундуз демай меҳнат қилди. Оила аъзоларини ҳам ёнғига олди. Беришган ваъдани ҳам жароҳи, билдирилган ишончини оқлаш зарур эди-да. Қимирлаган қир ошар деганларидек, дехқончиликнинг дастлабки йилдаёқ режа ортиги билан уудаланди.

Қувонарлиси шундаки, шундан бери хўжалиқда режалар ортиги билан адо этиб келинмоқда. Жорий йилдаги дехқончилик ҳам ба-рақали бўлди. Бугдойнинг серҳосил чиллаки нави экилиб, меҳр билан парваришланганди. Натيجا чакки бўлмади. Хосилдорлик 60 центнерни ташкил этиб, режа 123 фозга бажарилиди. Давлат омирбига 60 тонна галла топирилди, 100

### Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

мамнўнлик билан. Шунинг учун ишимизда учум бор. Ахир беҳиз ай-тишмайди-ку, аҳиллик бор жойда ба-рака бор деб. Ишловчиларнинг меҳ-

лиги ҳисобидан 15 миллион сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, ишбилармон фермер қишлоқда умр-гузаронлик қилувчи кекса, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган 17 нафар кишига 3200 килограмм бугдой, 1200 килограмм шоли тарқатди.

Анамали кишлоғига қираверишда маданий-маърифий маъказ бар-по этдик, - дейди фермер. - Бунга 60 миллион сўм маблағ сарфланди. Эътиборга лойиқ жиҳати шундаки, бу ердаги кенг ва шинам тўйхонада маҳалла аҳлининг тўй-томосшалари ва бошқа турли тадбирлар зўр тантана билан нишонланяпти. Шунингдек, туманга таширф буюрган меҳмонлар бизнинг «Тоғмаҳал»да бўлиб, ажойиб таассурот ила қайтиш-япти.

Ҳа, тиниб-тинчимас фермер до-имий изланишда, бир жойда тўхтаб қолишни сира эп қўрмайди. Ҳозир маҳалла ҳудудида энгил автомашиналар устаконаси битиш арафасида. У ишга тушгач, ҳайдовчилар учун энгиллик яратилади, қолмади. Айтганча, Абдурашид ака ана бир ташаббусга қўл уриш ниятида. Дехқончилик маҳсулотларини қайта ишлаб, томат па-стаси тайёрлайдиган цех фаолиятини йўлга қўймоқчи.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» муҳбири





**Кўшни вилоятда яшовчи ва анча йиллардан бери учрашмаган синфдошим Бахромжон чап қўлини биқинига тираб сўрашди. Унинг бу қилими, очиги, менга малол келгандек бўлди. Ахир, сал кўришмасак, кучок очадиган дўстим нахотки, шунчалик ўзгариб кетса? Юзга фотиҳа тортилиб, дастурхон ёзилганда Бахромжон сўз очди.**

Бағримга босиб кўриша олганимга афсусданман, огайни, - деди худди кўнглимдан кечган гапларни сезиб тургандек. - Икки ойдирки курагимда турган санчик сира кетмапти. Кўрсатмаган дўхтирим, қилмаган муолажам қолмади. Хода ютгандек тик қотаним, тик қотган.

Чой устида одатдагидек турли мавзулар ҳақида гап кетди. Барибир яна суҳбат Бахромжон курагида пайдо бўлган оғриқ устига келиб тўхтади. Синфдош дўстим шундай деб қолди: - Сени менга Худо етказди, чамаси, илтижоларим бошлаб келди. - Сал тўхтаб олгач яна давом этди. - Сизларда Абдужаббор Гафоров деган дўхтир бор экан. Худди меники сингари касалликка учраган беморларни даволаркан. Агар келмаганимда бугун-эрта ўзим кўнгирак қилмоқчи бўлиб тургандим.

А.Гафоровни мен узоқ йиллардан бери танирдим. Андижон тиббиёт олийгоҳини битиргач, ўзи туғилиб ўсган маскан - Наманганга қайта келди. Агар олийгоҳда таниқли тиббиёт алломуларидан илм ўрганган бўлса, бу ерда шу соҳада узоқ йиллар ишлаб тажриба тўплаган шифокорлардан таълим-тарбия олди. Тўғри ташхис қўйиш, хушмуомала, ширин ва мулоим сўзлар билан беморлар калбига кириб бориш йўл-йўриқларини ўрганди.

Улар орасидан, айниқса, раҳматли Файзулла Абдуллаев менда ўчмас таассурот қолдирган, - эслайди А.Гафоров. - Эса кўришми ёқимли, ҳам шириниш, соҳанинг билмидони саналган Файзулла ака бемор юрагига кириб боришини чинакам билмидони эди.

А.Гафоров Наманган шахрининг қатор шифохоналарида кардиолог шифокор сифатида фаолият кўрсатди. Тармоқ шохобчаларида раҳбарлик лавозимларида ишлади, вилоятнинг таниқли кардиолог шифокорларидан бири сифатида танилиб нафақага чиқди.

Мехнат қилганимдан бошим осмонга етди, - давом этди Абдужаббор Гафоров. - Олдинга уйкуиси тунлар, енгил кечмаган кунлар ҳисобига мириқиб хордик чикармоқ бўлдим. Лекин бир туйғу менга тинчлик бермади. Узоқ йиллик иш жараёнида орттирилган тажрибамдан нахотки фойдаланмасам, нахотки, улардан одамлар наф қўрмаса? Узоқ йиллардан бери юрак ва кон томир касалликлари мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган бўлсам-да, умуртқа неврологияси билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бораётгани, вилоятда бу борадаги ишлар талаб даражасида эмаслиги мени ташвишлантирарди.

Бунга нималар сабаб бўлмоқда? - савол беришдан ўзимни тия олмадим. - Бунинг сабаблари кўп, - жавоб кайтарди суҳбатдошим. - Аввало одамларда фан-техника ривожини оқибатида камҳаракатлик, жисмоний меҳнатга иштиёқсизлик кузатишмоқда. Бунинг таъсирида пайлар, умуман, организмнинг қатор шифохоналарида кардиолог шифокор сифатида фаолият кўрсатди. Тармоқ шохобчаларида раҳбарлик лавозимларида ишлади, вилоятнинг таниқли кардиолог шифокорларидан бири сифатида танилиб нафақага чиқди.

Жамоам хурмат-эҳтиром билан пенсияга узатди, шунчалик эътибордан, бекорга

**Ихлос**

ниэмда турли ташқи таъсирга қаршилиқ сусаймоқда. Овқатларга кимёвий доривор моддалар аралашуви, атроф-муҳитнинг бузилиши салбий таъсирини кўрсатмоқда. Булар эса ўз навбатида хозиргина биз тилга олган касалликларнинг келиб чиқиши ва кўпайишига олиб келмоқда. Мен соҳа мутахассислари, таниқли олимлар билан маслаҳатлашдим, мулоҳазаларимни билдирдим. Улар мени қўллаб-қувватлашди ва шу йўналиш бўйича шугуланишига даъват этишди.

чиқариши мумкин. Даволаш жараёнида ана шу салбий жараёнга барҳам берилди.

- Биз кўпинча мануал терапия (муолажа машқлари) усулини ҳам қўллашимиз. Бунинг таъсирида умуртқанинг қисилган жойлари очилади, томир ва тўқималар кенгаяди, - аппаратларни кўрсатаркан изох беради Абдужаббор ака.

А.Гафоров шохобча жойлашган кўп қаватли уйнинг яна икки хонадонини ҳам ўз ихтиёрига олган ва у ерларга кўшни вилоят ҳамда шаҳарлардан келган беморларни жойлаштириб даволамоқда. Биз ана шундай беморлардан Фарғоналик Рашид Алиев, Ҳамид Қўчқоров, Анорхон Самадова, Андижон вилоятидан Мавжуда Сулаймонова, Табассум Ҳасанова, Худойёр Каримов ва бошқа кўпгина беморлар билан суҳбатлашдик. Улар ўзларининг неча йиллардан бунён қийнаб келаётган касалликлардан халос бўлганликларини айтишди, А.Гафоровга миннатдорчилик билдиришди.

Тўғри, хозирги шароитимиз билан мактана олмаймиз, - дейди хайрлашиш олдидан қахрамонимиз. - Давлатдан кредит олоқчиман ва шу тур касалликларини даволашга ихтисослашган махсус шифохона биносини қуришмоқчиман. Бунгача ўғлим ўқишни битириб қайтди.

Айтгандай, А.Гафоровнинг олий маълумотли шифокор ўғли ҳам Тошкентда умуртқа неврологияси бўйича бир йиллик курсда таълим олмақда. Ишонимизки, маълум фурсат ўтгач Гафоровларнинг тиббиёт шохобчаси халқимиз саломатлигини сақлаш ва мустақамлашга кўпроқ хизмат қиладиган бўлади.

**О. ЖУМАНАЗАРОВ**

**Мамлакатимизнинг барча алоқа тармоқларида 2005 йилги обуна ишлари кизгин давом этмоқда. Қўллаб ташкилот, идора, хўжалиқлар бу дозароб вазифани ўз вақтида амалга ошириб бўлишди. Хусусан, матбуот ихлосманлари бўлган яққа тартибдаги обуначилар Муборак туманида кўпчиликини ташкил этади.**

**ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган ҳар бир инсон ҳеч иккиламасдан кейинги йил учун обунани вақтида расмийлаштириди. Бунинг учун ҳеч қандай сабаб баҳона бўлолмайди, - дейди «Қашқадарё почтаси» акционерлик жамияти Муборак филиали раҳбари Анавар Авазов. - Республикамизда шу жумладан, вилоятимиз ҳамда туманимизда чоп этиладиган газета - журналларга жами 21 миллион 345 минг сумлик обуна расмийлаштирилди. Айниқса, бу ишда Муборак нефтьгаз конлари бошқармаси, газни қайта ишлаш заводи, халқ таълими бўлими каби


ташкilot ва фермер хўжалиқлари фаол иштирок этишди.

Айни пайтда юртимиздаги ва жаҳонда бугунги ўзгаришларнинг бориши, янгиликлардан хабардор бўлиши истовчилар сони яна ҳам ортмоқда. Буни обуна расмийлаштириш учун келаятган газетхонлар кундан-кун кўпайиб бораётганидан ҳам билса бўлади.

Мубораклик почта ходимлари эса вақтни бий бермай ўзларининг севимли наشرларига обуна бўлган ўқувчиларга 2005 йилнинг дастлабки кунидан матбуот нашрлари хонадонларига ўзи кириб бориши учун барча чора - тадбирларни қўришмоқда. Ўз навбатида обунани расмийлаштириш ишлари ҳам тўхтовсиз давом эттирилмоқда.

Нурхон Нафосовнинг ушбу китобида қаратэ тарихининг гузал банди лавалари публицистик манзаралар билан уйғунлашиб келган. Эзилиш услуби ўзига хос, содда, тили раван. Айниқса, ибратли ривоятлар, қимматли сўзлар ўрнида ишлатилган. Бу эса асар мазмунини бойитиб, қўлдамдорлигини оширган. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг эътирофи, ажойиб истеъдод соҳиб Сироҳиддин Саййиднинг шеъри, қаратэ спорти усталарининг бир-биридан қизқарли ҳўқоялари ва дил сўзлари ўқувчини ўзига илсиз боғлаб олади. Айниқса, муаллифнинг ички туйғулари, Ватанга маъраҳ-муҳаббат, илгуз қўлдамдорлардан фохрларин билан бирга уларга муносиб воқеа сўзлари билан қўллашган сўз-ҳаракатлари самимийлик билан қаламга олинган. Ана шу самимийлик, оддийлик ва мақсад йўлида тинимсиз изланиш, интилиш китобхонга маънавий завқ ва рухий бедорлик ата этди.

«Япония ёхуд қаратэнинг қайта туғилиши» бобида Окинава қўл жанг санъатининг мамлакатда кенг ёйилиши, бундан қаратэ фидойиларининг бетиним интилишлари, сўз-ҳаракатлари, хуллас, биринчи қаратэ мактабига асос солиниши ҳўқоя қилинади. Шунингдек, қаратэнинг асл тарихотики Гитин Фунакоси Шотокан (Сётокан) номи (Боши ўтган сонда)



**ЎЗИГА ХОС АКВАРЕЛ МАНЗАРАЛАРИ**

**Санъат - халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи восита. Яқинда Ўзбекистон Замонавий санъат марказида бўлиб ўтган Қозғоқ халқ рассоми Абилхон Кастейев асарлари кўргазмаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур кўргазма қозғоқ рангтасвир санъати асосини таваллуди яқинда 100 йиллигига бағишлаб ўтказилди. Унда рассомнинг манзара, портрет ва графика ишлари намойиш этилди.**

«Пичан ўрими», «Пахта йўғими», «Қўриқ ердаги биринчи эгат», «Биринчи кўчлар» каби асарларда инсон меҳнати, меҳнаткаш халқнинг дала юмушларида кўрсатаётган заҳматлари тасвирланган. Машиий жанрдаги «Сутчилик фермаси», «Хўжалик тойи», «Кўйларнинг жунини қирқиб» номли асарлар эса рассом ижодининг муҳим қирраларини очиб берган.

Шунингдек, А.Кастейев тарихий сийморлар қиёфасини яратишда ҳам муваффақиятга эришган. Жумладан, «Абай», «Жамбул» каби суратлар кўргазмадан ўрин олган. Рассом ижодидаги акварел манзаралари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Олмаота шаҳри ва унинг атрофи акс эттирилган «Гуллаётган олма даракти», «Олмаота хўжалиги», «Тажриба базаси», «Яйловдаги қўйлар» асарларида табиат гўзаллиги, сир-синаотлари ва ватандар бўлган муҳаббат ўз аксини топган.

Абилхон Кастейев ижодига мансуб санъат намуналари ҳақиқий миллийлиги, инсон табиятини ифода этиши билан юртдошларимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган.

**А. ЯРЕКОВ**

**Осиё Футбол Конфедерациясининг Куала-Лумпур шаҳридаги қароғоҳида бўлиб ўтган йилгида қиъта чемпионлар лигаси ҳамда ОФК кубоги бахсларининг навбатдаги мавсумига қуръа ташланди. Шунга қўра мамлакатимиз вакиллари - «Пахтакор» (Тошкент) ва «Нефтчи» (Фарғона) жамоаларининг чемпионлар лигаси турниридаги рақиблари аниқланди.**

Таъкидлаш керакки, қиъта миқёсида клублар ўртасидаги энг нуфузли мусобақа ҳисобланган чемпионерлар лигаси турнирининг ўтказилиши тартибига деярли ўзгартириш киритилмади. Бу гал ҳам худди аввалги йиллардаги каби қиъта-мизнинг футбол ривожланган 14 мамлакатдан иккитадан клуб, яъни чемпион ва кубок соҳиб мусобақада қатнашади. Агар иккала совин ҳам бир жамоага насаиб этган бўлса, у холда миллий чемпионатларда кумуш медални қўлга киритган клуб иккинчи жамоа сифатида турнирда қатнашади. Айни шу ҳол миллий чемпионатимизда руй берган. «Пахтакор» чемпионат ва кубок йўналирида голиб чиққанлиги туфайли иккинчи ўрин соҳиб - Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Айтганча, юқорида ҳар бир мамлакатнинг икки номдор жамоаси мусобақада қатнашишини айтиб ўтган эдик. Чунки «Ал-Иттиҳод» яқинда бу йилги турнир голибчилиги қўлга киритди. Шу бис араблар чорак финалдан бахсларга қўшилиди.

Шундай қилиб, қуръа натижасида 28 та омадди жамоа 7 та гуруҳга ажратилди. Кетма-кет иккинчи маротаба чемпионлар лигаси турнирининг ярим финалига қадар етиб келган «Пахтакор» «Д» гуруҳидан жой олди. Тошкентлик футболчилар Ироқнинг «Ал-Завра», Суриянинг «Ал-Жашиш» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» жамоаларига қарши кураш олиб боришади. «Нефтчи» эса «С» гуруҳида «Ал-Ахли» (БАА), «Ал-Сауд» (Қатар) ва «Ал-Қувейт» (Қувейт) жамоалари қаршилигини енгишга тўғри келади.

Энди турнир тўғрисидаги янгиликларга тўхталаск. Мусобақанинг янги регламентига биноан бир мамлакатнинг бир жамоаси ўз майдонидан тўп сурса, иккинчиси сафарда, меҳмонда

ўйнайди. Яна бир янгилик шуки, келгуси мавсумдан бошлаб чемпионлар лигаси учрашувлари фақат ҳафтанинг чоршанба кунини ўтказилади. Дарвоқе, янги мавсумдан бошлаб турнирга ажратилган маблағ миқдори сезиларли равишда оширилди. Энди сафардаги ҳар бир учрашув учун ОФК томонидан 20 миң АҚШ доллари

**ТЕРМА ЖАМОА, «ПАХТАКОР» ВА «НЕФТЧИ»...**

ри ажратилади. Мусобақа финалига йўл олган жамоа эса 600 миң АҚШ доллари билан мукофотланади. Энг катта мукофот, албатта голиб жамоага берилади: 1 миллион доллар!

Эслашиб ўтамиз, қиъта чемпионлар лигаси гуруҳ босқичининг илк учрашувлари келгуси йилнинг 9 мартда бошланади.

Шу ўринда мухлисларни қиъта футболда дахлдор яна бир янгилик билан таништирсак. Маълумки, шу пайтга қадар Осиё чемпионати финал босқичи иштирокчилари моддий жиҳатдан рағбатлантирилмас эди. Қиъта миллий терма жамоалари иштирокидаги энг нуфузли мусобақа ташкилотчиси - ОФК бу борада хайри ишга қўл урди. 2007 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган навбатдаги мусобақа қатнашчиларига иштирокчи қараб тегишли миқдорда пул мукофотлари топирилади. Хусусан, финал йўлланмасини қўлга киритган терма жамоа 1 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ билан тақдирланса, чемпионат голиби 1,5 миллион доллар эгасига айланади. Албатта, бу рағбатлантиришни Европа чемпионати тенглаштириб бўлмайди. Лекин, шунга қарамай Осиё Футбол Конфедерациясини қиъта футболни ривожлантириш йўлида қабул қилинган ушбу тарихий қарор билан қутлаш лозим.

**9 феврал.** Жанубий Корея - Қувейт, Ўзбекистон - Саудия Арабистони; Япония - КХДР, Бахрайн - Эрон.

**25 март.** Саудия Арабистони - Жанубий Корея, Қувейт - Ўзбекистон; Эрон - Япония, КХДР - Бахрайн.

**30 март.** Жанубий Корея - Ўзбекистон, Қувейт - Саудия Арабистони; Япония - Бахрайн, КХДР - Эрон.

**3 июн.** Ўзбекистон - Жанубий Корея, Саудия Арабистони - Қувейт; Бахрайн - Япония, Эрон - КХДР.

**8 июн.** Қувейт - Жанубий Корея, Саудия Арабистони - Ўзбекистон; КХДР - Япония, Эрон - Бахрайн.

**17 август.** Жанубий Корея - Саудия Арабистони, Ўзбекистон - Қувейт; Япония - Эрон, Бахрайн - КХДР.

**О. КАМОЛОВ**

**Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг**

**ИЛК АВТОМОБИЛЛАР**

«Йўл қондаларига риюя қилинг», «Пийда - умринг бўлсин зийда», «Йўларда болаларимизни асрайлик!», «Йўловчиларни хурмат қилинг», «Ҳайдовчинини чалғитманг»... Бу ва бу каби оғоҳномаларга ҳар кунини, ҳар соатда турли келишимиз мумкин. Бинобарин, сўнгги йилларда дўри русумдаги, турли шако-шамойил, қўринишдаги автомобиллар хайратланарли даражада тез кўпайиб бормоқда. Агар «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ишонадиган бўлсак, фақат 1988 йилнинг ўзида дунё бўйича 45 миллион 113 миң 292 та автомобил ишлаб чиқарилган экан.

Айтганча, бугун инсон ҳаётини муҳим ўрин олган автомобиллар тарихидан хабарингиз борми? Йўқ. Унда билиб қўйинг: биринчи расман автомобиль парижлик ихтирочи Николас Жозеф Кунно томонидан 1769 йили яратилган. Бу машина, табиийки ҳозирги мезонларга қўра ўлчанадиган бўлса, жуда секин ҳаракатланган. Анқороги, у бор-йўғи соатига 3,6 километр масофани босиб ўтган. «Оқсок» автомобил айни пайтда Париж музейларида бирида сақланмоқда.

Йўловчи ташигиша мўлжалланган илк автомобиль эса Буюк Британиянинг Камборна шаҳрида 1801 йилнинг 24 декабрида йўлга чиқди. Ричард Тревентик томонидан яратилган буг ёрдамда ҳаракатланувчи ушбу машина кўпи билан 8 кишини манзилга элттишга мўлжалланган.

**АНТАРКТИДА МУЗЛАРИ ЭРИЙДИМИ?**

Олимларнинг хавотир билан маълум қилишларича, Антарктида музлари тобора эриб бормоқда. Масалан, охириги 30 йил ичида қиътадаги музлар нақд ярмисига - 50 фоизга қамайган. Бу қиъта майдонининг 10 фоизга қисқаришига олиб келган.

Хуллас, дунёнинг 250 нафар етакчи олимларидан ташкил топган илмий гуруҳ кенг қамровли тадқиқот ишларидан сўнг шундай хулосага келдики, Антарктида музлари 70 йилда тўлиқ эриб тўғайди. Анқороги, 2070-йилларга бориб улкан муз тоғлари эриб битади ва ёғзи мавсумда очик ҳавзага айланади қолади. Агар бу борада жиддий ўзгаришларга қўл урилмаса, асримиз охирига бориб дунё океани сатҳи бир метрга қўтарилади. Шунингдек, Атлантика океанидаги Гольфстрим иссиқ сув оқимининг йўналиши ўзгариб кетиши мумкин.

**БЎЙИДАН СОЧИ УЗУН**

«Гиннеснинг рекордлар китоби» ҳақида аштитмаган ёки ўқимаган киши тоғилмаса керак. Негаки, бу китобда турли ажабтовур воқеалар, хайратомуз рекордлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Қўпчилик, айниқса европалликлар ва америкаликлар Гиннес китобидаги киришга жуда ҳам иштиёқман.

Шу ўринда ўзбекистонликлардан бирон-бир киши рекордлар китобида киритилгани, деган савол туғилиши табиий. Ҳа, киритилган. Бундан роппа-роса 10 йил муқаддам Успенский номидаги Тошкент мусиқа мактаби ўқувчиси Даша Солихова ўзининг аjoyиб сочлари туфайли расман ҳисобга олинган. Бу пайтда Дашанинги соч узунлиги 181 сантиметрга тенг бўлди. Ваҳоланки, бу пайтда унинг бўйи сочининг узунлигидан роппа-роса 6 сантиметр кам эди.

Ҳамюртимиз билан бу борада фақат бир киши рақобатлаша олади. У Япониянинг Киото шаҳрида яшовчи узун сочли 24 ёшар япон қизидир.

**Фахр**

(WUKO) қаратэчилишига замин яратди. Ҳақон қаратэчиларининг нуфузли ташкилоти айни кунда Жаҳон Қаратэ Федерацияси деб аталмоқда. Му

**«КАРАТЭНИНГ ҚИЙИН ЙЎЛИ»**

батафсил маълумот берилади.

Япон қаратэсининг отаси сифатида тан олинган Гитин Фунакоси 1948 йили барча услуб ва йўналишларни бириштириш мақсадида Япония қаратэ-до ассоциациясига асос солган. Аммо 16 йил бу мақсад амалга ошмайди, фақат 1964 йилга келиб Токиода бўлиб ўтган Олимпиадада йўналишлари муносабати билан турли йўналишдаги қаратэчиларнинг бошларини қовуштиришга эришилди. Бу ҳамжиҳатлик Япония Қаратэ-до ташкилотлар федерациясига асос солди.

Ҳар қандай эзгулик, яхшилик чегара билмаганидек, япон қўл жанги санъати Ер шарининг барча қиъталарига ёйилди. 1970 йилда Токиода бўлиб ўтган I жаҳон чемпионати сайёрамизнинг энг қучли қаратэ усталарини аниқлаши билан бирга Жаҳон Қаратэ Ташкилотлари Иттифоқи

стақиллик шарофати билан ташкил этилган Ўзбекистон Қаратэ Миллий Федерацияси айни пайтда WKFнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланади.

Муаллиф ўзбек қаратэ усталарининг Жаҳон Қаратэ Федерациясига аъзо 164 мамлакат вакиллари орасидаги алоҳида нуфузи ҳақида ҳўқоя қилар экан, бу ҳўрмат ва эҳтиромга сазовор бўлимоқ осон кенгаганини алоҳида таъкидлаб ўтади. Китобнинг «Ўзбекистон: ориятнинг уйғониши» боби ифтихор туйғулари билан йўрилган. Улар Ўзбекистон Қаратэ Миллий Федерацияси билан уйғунлиқда муаллифнинг ҳаёт тажрибалари, оруз-интилишлари, мақсад йўлидаги изтироб ва машаққатлар, синов оналари жанжирдек бу бир-бирига боғлиқ кетади. Бу эса ўқувчини оҳанрабодек ўзига тортиб туради.

«Қадимги доғишманлардан бири

рурият туғилганда уни намоен қилолмасанг қадринг кетади, атрофдагилар сен билан ҳисоблашмай қўйди, «занглаб» кетишинг ҳеч гап эмас. Урни келса-келмаса кўркама уриб ҳўрмат-иззат талаб қилганинда эса бурдинг кетади, ёлғиз қолисан.

Магар қилчичи, демалки, гуруру ориятни зарурият туғилганда қиндан чиқариб, зангидан тозалаб, артиб, уни офтоб нурларида тоблиянишни теқшириб, атрофдагиларга кескирилганини, қучи, қудратини йўқотмаганини кўрсатиб туришга одатлансанг, қадр-қиммат ошса ошадими, йўқолмайди».

Доғишмандининг ҳикмати миғалиф қаратэдаги фаолияти мисолида асослаб берилади. Ушунда Ўзбекистон мустақилликка эришишига уч йилдан ошган. «Давр ҳар бир ўзбек фуқаросидан фидойиликни талаб қиладиган, она Ватан ўз ўғлонларидан

ладиллик, шижоат намуналарини қўтаётган оғлар эди». Ҳаётнинг турли жабхалари қатори ўзбек қаратэси орқали Ватан макъенини, номини, шарафини баланд қўтариш, буюк келажак асосини яратиш учун тинмай меҳнат қилиш, вазъонлик эмас, амалий ишга ўтиш даври келган эди. Республика қаратэ Федерацияси мактаб фаолият кўрсатаётган бир эмас, бир неча ташкилотлар эса тор доирада ўралашиб, бурнидан нарини кўролмас, миллий қаратэ етакчилигига даъво қилишарди, янги қаратэ клубларини ташкил этиш, иктидорли ёшларни тарбиялаш, уларни нуфузли халқро мусобақаларга олиб бориш, юртимиз спортчилари маҳоратини дунёга қўз-қўз қилиш тўғрисидаги мақсадлар уларнинг кун тартибидан сўнгги асосларини қилиб қўйди.

**А. ҚОДИРОВА (Давоми бор)**

**ISHONCH**

Бош муҳаррир **Мирғиёс КАЮМОВ**

**МУАССИС:** Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:** Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият 56-52-78; Ҳатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.40

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қуръаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Matbuot ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

ИВМ компьютерда терида ва саҳифаланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.